



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ САММИТИДА ҚАТОР ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни Остона шахрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз

Республикаси Президенти Садр Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мгер Григорян,

кузатувчи мақомидаги Куба Республикаси вице-президенти Сальвадор Меса ва Эрон Ислон Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири Мухаммад Атабак, Евроосиё



иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Бақитжан Сагинтаев ҳамда меҳмон сифатида МДХ Бош котиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шерикликнинг устувор

йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!
Хурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Аввало, Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга анъанавий самимий қабул ва меҳмондўст Остона шахрида учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Жаҳон иқтисодиётида кенг қўламли технология трансформация жараёни кечаётган бир даврда Қозоғистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги самарали раислигини алоҳида қайд этмоқчиман.

Саммитимиз арафасида сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш масалаларига бағишланган бешинчи Евроосиё иқтисодий форуми очилгани рамзий маънога эгадир. Бугунги кунда айнан рақамли технологиялар, замонавий логистик ечимлар ва саноат кооперацияси кўп жиҳатдан давлатларнинг рақобатдошлиги, бозорлар барқарорлиги ва миллий иқтисодиётларнинг ташқи хатарларга муносиб жавоб қайтара олиш қобилиятини белгиламакда.

Хурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон учун ЕОИИ мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш ташқи

иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда бизнинг ЕОИИ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлигимиз комплекс иқтисодий шериклик тусини олди. Ўзаро савдо ҳажми ўсмоқда, саноат кооперацияси чуқурлашмоқда, логистик алоқалар мустақамланмоқда, рақамли иқтисодиёт, энергетика ва хизматлар соҳасида янги йўналишлар шаклланимоқда.

Ўзбекистон Иттифоқнинг барча асосий тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан уч йиллик ҳамкорлик режасини амалга оширишни яқинида етказмоқдамиз. Ўзбекистон ҳукумати Қўшма ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисини жорий йилнинг куз фаслида Тошкент шахрида ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг доирасида кейинги давр учун мўлжалланган янги ҳамкорлик режасини қабул қилишни тақдир этамиз.

Яқинда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Савдо ва юк ташувларини рақамлаштириш, электрон тижоратни ривожлантириш ва иқлим борасида кун тартибидagi масалалар бўйича тармоқ дастурларида иштирокимизни давом эттирмоқдамиз.

Тошкент шахрида Евроосиё тараққиёт банкнинг мамлакат офисини очдик, биргаликда муайян лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Хурматли мажлис иштирокчилари!
ЕОИИ билан ҳамкорлигимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қисқача кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасида тўсиқларсиз савдонинг ягона рақамли маконини шакллантиришга киришишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу ерда сўз электрон тижоратни ривожлантириш ва уни тартибга солиш борасидаги ёндашувларни мувофиқлаштириш, божхона, фитосанитария ва ветеринария назорати соҳаларида рақамли маълумот алмашувини йўлга қўйиш, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш, шунингдек, электрон хужжатларни босқичма-босқич ўзаро тан олиш ҳақида бормоқда.

Шунингдек, рақамли транзитни жорий этиш, кузатув тизимларига уланиш ҳамда ўтказиш пунктларини модернизация қилиш орқали “ақлли” транспорт-божхона йўлакларини яратиш ишларига киришиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи. Саноат кооперацияси ривожига янги туртки бериш муҳимдир.

Биз бизнеснинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, технологик шериклик ва янги ишлаб чиқариш занжирларини шакллантиришга қизиқишни ортиб бораётганини кўрмоқдамиз. Буни жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шахрида муваффақиятли ўтказилган олтинчи “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” кўргазмаси ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз ўртасида саноат кооперацияси дастурини тайёрлашда мазкур кўргазма салоҳиятидан фойдаланишни тақдир этамиз. Саноат автоматизацияси ва робототехника, энергетика учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, сув тежовчи технологиялар, замонавий қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларни истиқболли йўналишлар қаторида қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда кооперация бўйича “ягона дарча” форматда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорликда шерикларни танлайдиган, эркин саноат зоналаримиз негизда ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган, молиялаштиришни жалб этишга қўмақлашадиган қўшма лойиҳа офисини ташкил этишга тайёрмиз.

ЕОИИ давлатларидан келадиган юқори технологияли резидентлар учун қўшимча рағбатлантирувчи шароитларни ишлаб чиқишга тайёрмиз.

Учинчи. Энергия самарадорлигини ошириш, тоза технологияларни жорий этиш ва маҳсулотларнинг углерод сигимини камайтиришга қаратилган Саноатни “яшил” трансформация қилиш қўшма дастурини қабул қилишни тақдир этамиз.

Бу эндиликда мамлакатларимиз учун нафақат экологик кун тартибидagi масала, балки саноатнинг узоқ муддатли рақобатдошлигини таъминлайдиган муҳим омилга айланмоқда.

Қўшма “яшил” лойиҳалар портфелини шакллантириш, уларни молиялаштиришнинг янги механизмларини ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали саноатнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш амалий чора-тадбирлар сифатида дастурдан ўрин олиши мумкин.

Тўртинчи. Бандлик бўйича миллий электрон хизматларни ўзаро боғлаш орқали ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни долзарб деб ҳисоблаймиз.

Бу ерда сўз фуқароларнинг ишончли бўлиш ўринлари, ишга жойлашиш шартлари ҳамда миграция қонунчилиги нормалари ҳақидаги маълумотлардан тўғридан-тўғри фойдаланишни таъминлайдиган қулай

ва яхлит рақамли муҳитни шакллантириш ҳақида бормоқда. Бу бир пайтнинг ўзида мамлакатларимиз меҳнат бозорлари эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ҳодимларнинг малакасини ошириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва норасмий бандлик хавфларини камайтириш имконини беради.

Бешинчи. Бугунги кунда туризм маданиял-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигимизнинг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бирига айланмоқда.

Биз “Марказий Осиё туристик ҳалқаси” ташаббусини илгари сурдик. ЕОИИ мамлакатларини унда иштирок этиш ва мазкур туристик йўналишни оммабоп рақамли платформаларда биргаликда тарғиб қилишга тақдир этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!
Сўзимнинг якунида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишимиз қатъийлигини яна бир бор тасдиқламоқчиман.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд этилган қўшма ташаббус ва лойиҳаларда иштирок этиши ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда давлатларимизнинг барқарор ривожланишига қўмақ беришига ишонанам.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ — ЁРҚИН КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Азалдан болажон халқимиз. Фарзандларимизнинг ёрқин эртаси учун бор имкониятимизни ишга солаемиз. Бу қадрият оиладан бошланиб, бутун мамлакат сиёсатида устувор вазифа сифатида акс этади. 1992 йилнинг 9 декабрида БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилган мамлакатимиз ҳужжат доирасидаги мажбуриятларга тўла амал қилиб келаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар жадал тус олди. Хусусан, конституциявий янгиланишлар билан боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги, илгор нормалар пайдо бўлди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида боб бағишланди. Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституция-миз болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлашни кучайтирди. Бу борада 50 га яқин қонун ва қонуности ҳужжат ҳам қабул қилинди.

➤ Давоми 3-бетда



МУБОРАК АЙЁМДАГИ МЕҲР-САХОВАТ ҒАМХЎРЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Сўнгги йилларда миллий ўзлимизнинг ажралмас қисми бўлган Рамазон ва Қурбон ҳайитларини ўзгача шуқуҳ билан нишонлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексалар ва ногиронлиги бор шахсларга меҳр-эҳтибор кўрсатиш ғўзал анъанага айланди. Виждон эркинлигини таъминлаш, ислом маърифати ва аждодлар меросини чуқур ўрганиш борасидаги ислохотлар бу жараёни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Айниқса, инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити арафасида “Инсон қадри учун, инсон боти учун” тамойили амалда нечоғлиқ юқори экани яна бир бор тасдиқини топди.

Президентимизнинг 2026 йил 22 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида юртдошларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мисли кўрилмаган меҳр-саховат чоралари белгилаб берилди.

Дастур асосида оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган болаларда жароҳлик амалиётини ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ҳар томонлама қўмақ кўрсатиш тадбирлари бошлаб юборилди. Оғир хасталикларга қарши курашаётган минглаб болаларда зарур жароҳлик амалиёти ўтказилиб, уларда ҳаётга қайта умид пайдо бўлди.

Айниқса, тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан айрилган ёки оғир синовларни бошдан кечираётган болажонлар қалбига қувонч уланиши мақсадида уларнинг омонат ҳисоб-варағига 200 АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти ўтказиб берилмоқда. Бу нафақат моддий қўмақ, балки ушбу болаларга “Сиз ёлғиз эмассиз, давлат ва халқ сиз билан!” деган юксак маънавий даллалар.

Минглаб оилаларга кириб бораётган ушбу қувончли хабар янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг тақдирини давлат эътиборида эканининг ёрқин ифодаси бўлмоқда.

Президентимизнинг қарорида халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайитини муносиб кутиб олиш мақсадида халқимизнинг мароқли дам олиши ва зиёрат қилиши учун қўшимча дам олиш кунлари белгиланди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ САММИТИДА ҚАТОР ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил равишда кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади.

ЕОИИ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик комплекс иқтисодий шериклик тусини олгани қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, саноат кооперацияси кенгайиб, логистика алоқалари мустақамланмоқда, рақамли иқтисодиёт, энергетика ва хизматлар соҳасида ҳамкорликнинг янги йўналишлари шаклланимоқда.

Жорий йилда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан уч йиллик ҳамкорлик режасини амалга ошириш якунига етказгани билдирилди. Шу муносабат билан жорий йилнинг куз фаслида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Евроосиё иқтисодий комиссияси билан Қўшма ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши доирасида янги режани қабул қилиш тақдирини билдирилди.

Яқинда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Ўзбекистон иттифокнинг логистик тижоратни ривожлантириш, савдо ва юк ташини рақамлаштириш, иқлим масалалари ва бошқа йўналишлардаги ташаббусларида фаол иштирок этмоқда.

Тошкент шаҳрида Евроосиё тараққиёт банкининг мамлакат офиси фаолияти йўлга қўйилиб, банк билан ҳамкорликда саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари иттифок билан шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан ўз нуқтани назарни баён қилди.

Ўзбекистон ва бирлашма давлатлар ўртасида тўсиқларсиз савдонинг ягона рақамли маконини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда электрон тижоратни тартибга солиш борасидаги ёндашувларни мувофиқлаштириш, боғжона, фитосанитария ва ветеринария назорати соҳаларида рақамли маълумот алмашинуви йўлга қўйиш, товарларнинг келиб чиқшини сертифицилаш ҳамда электрон ҳужжатларни босқимча-босқич ўзаро тан олиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, рақамли транзитни жорий этиш, кузатув тизимларига улашиш ҳамда ўтказиш пунктларини модернизация қилиш орқали “ақлли” транспорт-боғжона йўлакларини яратиш ишларига киришиш тақдирини билдирилди.

Ишбилармон доираларнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, технологик шериклик ва янги ишлаб чиқариш завоҳирларини шакллантиришга қизиқиш ортиб бораётганини жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” VI халқаро саноат кўргазмаси тасдиқлади.

Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасида саноат кооперацияси дастурини таъйинлаш мазкур кўргазма салоҳиятидан фойдаланиш тақдирини билдирилди. Саноат автоматизацияси ва робототехника, энергетика учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, сув тежовчи технологиялар, замонавий қурилиш материаллари ва бошқа соҳалар истиқболли йўналишлар қаторида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кооперация бўйича “ягона дарча” форматда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорликда шерикларни танлайдиган, эркин саноат зоналар негизда ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган, молиялаштиришни жалб этишга қўмақлашадиган қўшма лойиҳа офисини очишга тайёргилини билдирилди.

— ЕОИИ давлатларидан келадиган юқори технологияли резидентлар учун қўшимча рағбатлантирувчи шароитларни ишлаб чиқишга тайёрмиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Энергия самардорлигини ошириш, тоза технологияларни жорий этиш ва маҳсулотларнинг углерод сизимини камайтиришга қаратилган Саноатни “яшил” трансформация қилиш қўшма дастурини қабул қилиш бўйича тақдир ҳам илгари сурилди.

Қўшма “яшил” лойиҳалар портфелини шакллантириш, молиялаштиришнинг янги механизмларини ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали саноатнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш амалий чора-тадбирлар сифатида дастурдан ўрин олиши мумкин.

— Бу эндиликда мамлакатларимиз учун нафақат экологик кун тартибидagi масала, балки саноатнинг узоқ мuddатли рақобатдошлигини таъминлайдиган муҳим омилга айланмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур соҳадаги

ҳамкорликни миллий электрон бандлик хизматларини интеграция қилиш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Бу фуқароларнинг ишончли бўлиши ўринли, ишга joyлаштириш шартлари ҳамда миграция қонунчилиги нормалари ҳақидаги маълумотлардан тўғридан-тўғри фойдаланишни таъминлайдиган қулай ва яхлит рақамли муҳитни шакллантиришни назарда тутди.

— Бу бир пайтнинг ўзида мамлакатларимиз меҳнат бозорлари эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ҳодимларнинг малакасини ошириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва норасмий бандлик хавфларини камайтириш имконини беради, — деди Президентимиз.

Туризм соҳасида Ўзбекистон томонидан “Марказий Осиё туристик ҳалқаси” ташаббуси илгари сурилгани қайд этилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ЕОИИ давлатлари билан мазкур туризм йўналишини оммабоп рақамли платформаларда биргаликда илгари суринишга қўшилишга тақдир қилди.

Яқинда Президентимиз Ўзбекистоннинг ЕОИИ кўп томонлама дастурлари ва лойиҳаларидagi иштироки ўзаро манфаатли шерикликни янада мустақамлаш ҳамда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Остонага амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозғиғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳузурда Инвестиция ва савдо соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар режасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

“Йўл харитаси”да автомобилсозлик, энергетика, кимё саноати, металлургия, фармацевтика, логистика, қурилиш материаллари, уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалиги каби тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ҳужжат жорий йил апрель-май ойларида икки давлат раҳбарларининг Бухоро ва Туркистон шаҳрларида бўлиб ўтган учрашувида эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Қозғиғистон Республикасига амалий ташрифий яқунланди.

ЎЗА

МУБОРАК АЙЁМДАГИ МЕҲР-САҲОВАТ

ҒАМХЎРЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, қарорга мувофиқ, юртимиздаги муқаддас қадимжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш учун кўнгилли хайрия ҳашарлари ўтказилмоқда. Бундай хайрли ишларда Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

Айни кунларда юртимиздан 15 мингдан зиёд зиёратчи муқаддас ҳаж амалларини адо этиш учун Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб турибди. Аҳамиятли жиҳати, бу йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келётган турли соҳа вакиллари, уламолар, нуроний отахон ва онахонлар, эҳтиёжманд ҳамда кам таъминланган оилалардан иборат 100 нафар юртдошимизга “Президент ҳожилари” йўланмаси тақдим этилиб, муборак ҳаж сафарига юборилди.

Президентимизнинг 21 май куни муфтий, шайх Нуриддин Холиққонлар билан телефон орқали мулоқоти мамлакатимизда миллий ва диний қадриятларга юксак эътибор қаратилаётганини яна бир амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Макка шаҳрида бўлиб турган барча юртдошларимизни кириб келётган Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этиб, уларнинг юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, миллатимиз бирдмчилиги ва ёшларимиз бахт-саодати йўлида қилаётган дуоларни қўллаб-қувватлаш тилади. Президентимизнинг бундай эътибори ва ғамхўрлиги ҳожиларининг қувончига сабаб бўлиб, уларнинг қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди.

Мана шундай фазилатли кунларда Ўзбекистон томонидан қардош Қозғиғистон халқига туҳфа сифатида Туркистон шаҳрида бунёд этилган муқаддас масжид икки мамлакат ўртасидаги азаллий дўст-биродарлик, қардошлик ва

яхши қўшничилик муносабатларининг ёрқин ифодаси бўлди.

Буюк аждодимиз Амир Темур Туркистон шаҳрида абадий қўним топган олим, тасаввуф таълимнинг ёрқин намоёнаси, яссавийлик тариқати асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий хотирасини улуғлаш ва икки халқни бирлаштириш мақсадида унинг қабри устида улкан ёдгорлик мажмуасини қурдирган.

Бугун Ўзбекистон томонидан қурилган масжид муштарак тарихий илдизлар, эътиқод ва анъаналар билан боғланган икки қардош халқни янада яқинлаштиришга хизмат қилади. Ушбу муқаддас мажмуа Амир Темур даврида асос солинган маънавий-руҳий қўшничилик давоми сифатида икки давлат ўртасидаги илмий-маърифий ва маънавий алоқаларининг янада ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Қурбон ҳайити табриги барчамиз учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ифодаси бўлди.

Табриқда муборак ойда кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, кам таъминланган оилага рағбат қўмак бериш ишлари эзгу қадрият экани алоҳида қайд этилган. Шунингдек, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк алоқа ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганаш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга, бу борадаги юксалишни халқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун яқинда ўз эшикларини очган азиям пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурхониддин Марғинийнинг илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби янги Ўзбекистон иншоотлари

мисолида яққол кўриш мумкинлиги таъкидланган.

Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридидий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилгани маънавий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлди. “Бир даргоҳ — бир маслаҳат — бир натижа — бир келажак” шиори остида йўлга қўйилган бу ҳамкорлик қисқа мuddатда самара бера бошлади.

Унинг доирасида “Учинчи Ренессанс чорраҳаси” ҳамда “Ёшлар — буюк цивилизациялар издошлари” каби илмий-маърифий лойиҳалар ҳаётга таътиб этилмоқда. Жумладан, жорий йил апрель-май ойларида Ислом цивилизацияси марказида икки халқаро конференция, элликдан зиёд семинар, давра суҳбати, маҳорат дарси ва китоб тақдимотлари ўтказилди.

Уларда ёшлар, олий ҳамда диний таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилар, имом-хатиблар, отинийлар, шунингдек, кўзи ожизлар жамияти аъзолари ва бошқа соҳа вакилларидан иборат 6000 дан ортқ юртдошимиз қамраб олинди.

Умуман айтганда, Қурбон ҳайити асрлар давомида халқимизнинг маънавий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб келган улуғ ва муқаддас қайлардир. Мамлакатимизда диний-маърифий соҳадаги ислохотлар ҳамда бунёд этилаётган илмий-маърифий масканлар, юртимизда миллий ва диний қадриятлар шунчаки маросим эмас, балки “Инсон қадри учун” гоёсининг амалий ифодасидир.

Комилжон ШЕРМУҲАММЕДОВ,
Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

ФУҚАРО БИЛАН ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ФАЛСАФАСИ

ТУБДАН ЎЗГАРМОҚДА

Нуқтаи назар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини изчил модернизациялаш жараёни тобора чуқур институционал ислохотлар тусини оляпти. Бунда асосий устувор йўналиш сифатида расмий-маъмурий бошқарув эмас, балки давлат хизматлари сифати, қабул қилинаётган қарорлар самарадорлиги ҳамда фуқароларнинг давлат институтларига ишончини мустақамлаш масаласи илгари сурляпти.

хизматлари самарадорлиги ҳамда инсон капиталини ривожлантириш даражаси таҳлил қилинади. Бошқача айтганда, давлат органлари фаолияти энди кўп ҳужжат ишлаб чиққани билан эмас, балки жамият учун қай даражада реал қиймат яратаяётгани ва фуқаролар оғирини қанчалик енгил қилаётгани билан баҳоланади.

Ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши — қоғозсиз ҳукумат тизимини яратиш. Миллионлаб қоғоз ҳужжатлардан воз кечиш ташаббуси технологик ўзгаришдан ташқари коррупцияга қарши кучли механизм ҳам ҳисобланади. Чунки фуқаро билан амалдор ўртасидаги бевосита ва қўлда амалга ошириладиган жараёнлар камайгани сари суниётсиз, маъмурий босим ва ноаниқ қарорлар хавфи ҳам камаяди.

Умуман, бу йил амалга ошириляётган ишлар қўламини ниҳоятда кенг. Агар 2017 йилда аҳолига 444 та давлат хизмати кўрсатилган бўлса, 2030 йилга бориб 1 минг 500 тага етиши кутляпти. Шу билан бирга, электрон хизматлар кўрсатиш улуши 95 фоизга етказилди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муваффақиятли модернизация моделларидан бирини шакллантиряпти. Давлатимиз раҳбари бу борадаги мақсадни аниқ белгилаб берган: фуқаролар ҳаёт сифати ва жамиятнинг давлатга ишончи асосий самарадорлик мезонига айланган замонавий давлат бошқаруви тизимини яратиш.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган “Сифатли давлат бошқаруви” дастури бўйича форум ва тақдирлаш маросими бу жараён изчил ва қатъий давом этаётганини яна бир бор исботлади.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда давлат бошқаруви соҳасида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Хусусан, ўтган йил ноябрда бюрократияни бартараф этиш ва сунъий интеллект бўйича халқаро форумлар биргаликда юқори савияда ўтказилди. Давлат

бошқарувида илгор тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик келишуви имзоланди. “Сифатли давлат бошқаруви” дастури ана шу ҳамкорликнинг амалий натижасидир.

Президентимиз мазкур дастур давлат идоралари фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаш, илгор тажрибасини кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Бу давлат ташкилотларини рағбатлантирувчи ва илҳомлантирувчи дастур. У раҳбар ва ҳодимларни янги ютуқлар сари ундайди, аҳолига кўрсатиляётган хизматлар сифатини оширадиган ҳамда барқарор ва шаффоф фаолият таъминлашнинг кундалик метёрга айлантиради.

Зеро, “Вазирлик ва агентликлар, қўмита ва инспекциялар фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг аҳоли олдидаги масъулиятини янада ошириш энди доимий эътиборимизда бўлади. Бундан буён “жараён учун” эмас, “натижа учун” ишлаш таъминли идоралар фаолиятида асосий мезонга айланади. Шу нуқтаи назардан, “Сифатли давлат бошқаруви” дастури муқаддас янги бошқарув маданияти ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган ислохотдир”, деди давлатимиз раҳбари.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ташаббус туфайли стратегик мақсадлар амалий натижаларга айланади. Бу эса дастур мамлакат тараққиёти сари муҳим қадам ва умуммиллий ҳаракатга айланаётганини аниқлатади. Асосийи, “Сифатли давлат бошқаруви” дастури шунчаки танлов эмас, балки янги ва самарали бошқарув маданиятини шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир.

ОСМОН ҚАДАР КАДРИМ БОРЛИГИНИ БИЛДИМ

Шукрона

Бу йилги муборак Қурбон ҳайити кутилмаган воқеа туфайли ҳаётимда унутилмас кун сифатида хотирамга муҳрланди. Сабаби менга Езёвон тумани “Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан бир хонали хонадон совға қилинди.

Президентимизнинг қарорига мувофиқ берилган хонадоннинг умумий майдони 40 квадрат метрдан зиёд. Бу ҳажм катта оилаларга кичик қўйиниши мумкин, лекин мен учун у дунёдаги энг катта, ёруғ ва файзли хонадон. Чунки у орқали мен қадр топиб, Ватанимнинг меҳрини ҳис этдим. Хонадондаги шарт-шароит, имкониятлар кўнгилмин омон қадар юксалтирди. Ҳамма нарса муҳайё.

Дадам вафот этиб, онам ота уйига қайтиб келганда акам иккалаимиз мурғак болақай эдик. Бирда қувонч, бирда маҳзун кунларни бошдан кечирдик. Аммо ҳеч

қачон ёлғизлиб қолганимиз йўқ. Онам, боболарим, маҳалла аҳли бизга шарт-шароит яратиб беришга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган. Оғир хасталиқдан сўнг 2021 йили онам оламдан ўтди. Мен бобом васийлигида ўсиб, камолга етдим. Езёвон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўбаси масъуллари оилавий шароитимизни ўрганди. Натижанда уй-жой олишим учун зарур тавсиялар беришди. Янги уйга кўчиб келганимдаги хурсандликни сўз билан ифода қила олмайман. Уйнинг қалитини топшириш ҳам катта тантанаяга айлиб кетди.

Қўшимча қувонч ёши қўйилиб келди. Инсон қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун бўлган мамлакатда яшаётганимдан фахрландим. Қўни-қўшнилари кунда меҳрибон, самимий. Улар билан биринчи жудани ўзидаёқ иноқлашиб кетдик.

Онам хаста бўлиб ётганида чорасиз қолиб, “Улғайсам, албатта, шифокор бўламан”, деб орзу қилганман. Мақсадим йўлида мактабни аъло баҳога тамомладим. Ҳозир Фарғона жамоат саломатлиги институтида ўқиш учун ҳужжат тўпладиман. Бу ерда етуқ малакали шифокор бўлиб, эл-юрт саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қиламан. Янги уй эртанги фаровон ҳаётимиз йўлида улкан имконият эшикларини очди. Барчаси учун Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Нодирбағим НЎЪМОНОВА
Фарғона вилояти Езёвон тумани

УМИД БАХШ ЭТГАН ҚАРОР

Инсонга яшаш учун ҳаёт бир бор берилади. Шу боис, ўзимиз истагандек яшашни хоҳлаймиз. Аммо умр йўли доим бир текис бўлавермас экан. Бир кун келиб, ёш ҳолида шундай тушқунликка тушиб қоламан дея ўйламагандим. Ёшлиқдаги эътиборсизлик туфайли соғлигимдан айрилдим. Шунда инсон учун энг катта бойлик саломатлик эканини англадим.



Соғлигимизда муаммо бўлса, ҳаёт кўнглимизга қоронғи кўйнаркан. Бир буйрагим яхши ишламай қолди. Бормаган шифохонам қолмади. Қўллаг шифокорлардан маслаҳат сўрадим. Умид билан табобатларнинг муолажасидан ҳам фойдаланиб кўрдим. Бари бесамар кетди. Врачлар буйрагимни алмаштириш зарурлигини айтиди. Бу гапдан сўнг кўнглимда умид уйғонди. Турмуш ўртоғим, икки фарзандим ботта. Улар учун ҳам яшашим керак. Ҳаракат

Оиламдагилар ҳам тушқунликка тушиб қолди. Гоҳида айрим беморлар билан суҳбатлашиб қолардим. Кўпи фалон минг доллар сарфлаб, Ҳиндистонга бориш кераклигини айтган. Яна бири бошқа жойда катта маблағга жаррохлик амалиёти қилиш мумкинлигини айтиб, маслаҳат беради. Бу гап-сўзларни эшитиб, орзуларим барбод бўлиб борарди. Ушбу вақтларда имконсизлигимдан ўзимга ачинар, бошқалар берган таскинлар ёқмасди. Кейинги олти ойдан буён буйрак етишмовчилиги сабаб аҳолим яхши эмасди.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда қабул қилинган “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарор туфайли ҳаётим тубдан ўзгарди. Ушбу ҳужжат асосида жаррохлик амалиётига муҳтожлар қаторида мен ҳам бор эдим. Янги Ўзбекистонда инсон қадри барча нарсадан устун эканини ўз танамда ҳис этдим.

Ҳозир жаррохлик амалиётига ҳозирлик кўряпмиз. Тез орада буйрак кўчириб ўтказилди. Насиб этса, тез фурсатда соғлигимни тиклаб, оилам бағрига қайтаман. Бунинг учун Президентимизга раҳмат. Шундай юртда туғилиб, яшаётганимдан қувончим чексиз.

Муҳриддин БОЛТАЕВ
Қашқадарё вилояти Нишона тумани

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ — ЁРҚИН КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Бошланиши 1-бетда

Сай-ҳаракатлар натижасида, аввало, болалар меҳнатига барҳам берилди. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ташкилотлар таъсис этилди. Боланинг қарашларини ҳурмат қилишга оид ҳуқуқий асослар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг манфаатларини ҳимоялаш тизими кучайтирилди. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, болаларнинг соғлиққа бўлган ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўрилди. Куролли жоҳорлар содир бўлаётган ҳудудлардан ўзбекистонлик болаларни қайтариш юзасидан кўрилган тadbирлар эса инсонийликнинг энг олий кўриниши бўлди.

Бугун болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари бартараф этишга қаратилган ишлар ижроси қатъий назоратда. Аҳолининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш борасидаги тadbирлар эса болалар зўравонлиги билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли. Ваҳоланки, ота-оналар томонидан болаларга нисбатан табиий ҳол сифатида қаралиб, қўлланадиган қўллаб ҳаракатлар қонуналикнинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлади.

Зўравонлик ҳавфи остидаги болаларни ҳимоя қилишда “Профессионал тутилган оила” хизмати ишга туширилиши тизимда шу пайтгача кузатилмаган ёндашув. Бу шунчаки етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уйга қабул қилиш эмас, балки зўравонликдан жабрланган ёки шундай ҳавф остида бўлган болалар билан ишловчи, махсус тайёргарликдан ўтган профессионалланган гамхўрлик шаклидир.



ПРОГРЕССИВ ВА ДАДИЛ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ МУҲИМ ҚАДАМИ

Сўнгги йилларда давлатимизда бола ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясига қаратилган янги ёндашув ва услублар жорий этилди. Боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид махсус қонунчилик базаси яратилиб, уни ижро этиш юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди. Аини пайтдаги бола ҳуқуқларини ҳимоялашга оид давлат сиёсати эса соҳада яна кўплаб муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг парламент сайловидан сўнг ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, маданиятимизга хос бўлмаган иллатларга қарши муросасиз муносабатда бўлишимиз ва аёвсиз курашимиз шарт. Боланинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қимматига таъжовуз қиладиган, жисмоний ва руҳий азоб етказиши мумкин бўлган барча ҳолатларда давлат томонидан тегишли ҳуқуқий ва ижтимоий чоралар кўрилиши қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, Конституцияга мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки инсон қадр-қиматини камситувчи муомалага ёхуд жазага дучор этилиши мумкин эмас.

2024 йил 14 ноябрда имзоланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан болаларга нисбатан зўравонликнинг жами 6 та шаклига таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш ҳамда қонуни таъбиқ қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир чора-тadbирлар ва уларни самарали амалга ошириш механизми белгиланди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга кўра, иштирокчи давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонлик, ҳақоратлаш ва суниёт-молликлар, гамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар ёки бола ҳақида гамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шахсоний суниёт-молликлар содир этишининг ҳар қандай шаклларида ҳимоя қилиш шартлиги белгиланган.

Конвенцияда кўзда тутилган мазкур халқаро мажбуриятнинг Ўзбекистонда қай тарзда бажарилиши тахлили нуқстан назардан болага нисбатан зўравонликка оид хабарлар болалар омбудсмани томонидан алоҳида назоратга олинган ҳолда ўрганилмоқда. Мутасадди идоралар билан биргаликда бундай мазмундаги ҳар бир ҳолат индивидуал ва ҳар томонлама ўрганиш асосида зарур чоралар кўриляпти. Мазкур долзарб йўналишдаги фаолиятни самарали ва таъсирчан ташкил қилиш учун асосий дастак бўладиган ҳужжат — “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Асосий мақсад зўравонликнинг олдини олиш, ундан жабр кўрган болалар билан ишлаш тизимини яратилган иборат.

Қонунига кўра, боланинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда қонуни билан ҳимояланган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказётган ёки етказиши мумкин бўлган ва унинг асосий эҳтиёжларига зид ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик, шу жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб қайд этилади. Унда зўравонлик шакллари илк бор аниқ белгилаб берилди. Яъни жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, гамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъбиқ этиш (буллинг) болаларга нисбатан зўравонликнинг шакллари бўлиб, қонун билан тақиқланади ва таъбиқ қилинади деб қатъий белгиланди.



Сурайит РАҲМОНОВА,
Олий Мажлисининг Бола
ҳуқуқлари бўйича вакили
(болалар омбудсмани)

Боланинг асосий эҳтиёжлари деган тушунча ҳам қонуни билан мустаҳкамланди. Бунда боланинг тўлақонли ривожланиши, жисмоний ва руҳий саломатлиги учун озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш, ҳавфсизлик,



таълим олиш, ижтимоий алоқаларни ўрнатил, ҳаётини кўнгли билан ривожлантириш ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар — болага таъминланиши шарт бўлган асосий эҳтиёжлар доирасини белгилаб берди.

Ҳужжат давлат болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий, маъмурий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа чоралар, шу жумладан, бола ва унинг оиласини қўллаб-қувватлаш ҳамда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш, ушбу ҳолатларни тергов қилиш, айбдорларни жавобгарликка тортишининг муқаррарлигини таъминлаш, зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш, ҳуқуқларини тиклаш ва ижтимоий

мослаштириш механизмнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Хусусан, ҳар қандай турдаги зўравонликдан жабр кўрган бола зўравонлик қурбони деб тан олинади ва у зўравонликнинг барча шаклларида ҳимояланиши, зўравонлик ҳолати юзасидан давлат органлари ёки судга мурожаат қилиш, бепул ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий ва тиббий ёрдам олиш, ҳимоя ордери талаб қилиш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплатиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, қонун билан болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш учун умумий ва индивидуал чоралар белгиляниб, ҳимоя ордери бериш, жабрланган ёки ҳавф остидаги болага комплекс ёрдам кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳавф туғилганда уни қонуний вакиллари қарамоғидан олиб қўйиш каби таъсирчан механизмга асос солинди.

Юртимизда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш жараёни кейинги, тарихан муҳим ҳуқуқий-институционал босқичга ўтаётгани Президентимизнинг 2025 йил 24 декабрдаги “2026-2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида ҳам аққол кўринади. Стратегия болалар учун зўравонликдан холи муҳит яратиш, ҳавф остидаги болаларни эрта аниқлаш ҳамда жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга комплекс ёрдам кўрсатишни устувор вазифа сифатида белгилаб, соҳада мутасаддилар олиб борадиган аниқ, тизимли ва идоралараро фаолият учун асосий дастуриламал ҳужжатдир. Стратегия доирасида болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий, психологик, таълим ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, индивидуал ёндашувни жорий этиш, шунингдек,

Болалар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилишда катталарга нисбатан заифлиги туфайли иш юритувининг барча процессуал босқичларида уларга самарали юридик ёрдам, вакиллик ҳамда ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш кафолатларини шарт. Стратегия билан айнан ана шу кафолатлар таъминланиши механизми йўлга қўйилмоқда. Жумладан, болага қарши жиноятлар содир этилганда жабрланувчига руҳий зийн етказмайдиган шароит яратиш, зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга алоҳида ёндашувни қўллаш, шунингдек, малакали адвокат, психолог ва қонуний вакиллари ўз вақтида жалб этиш ва тезкор идоралараро ўзига хос амалиётни шакллантириш талаб этилади. Бу эса бола манфаатларига оид ишлар билан ишлаш бўйича ихтисослашган кадрлар корпусини шакллантиришни тақозо этади.

Стратегиянинг яна бир аҳамиятли жиҳати, таълимдан четда қолган ва ижтимоий ҳавф остидаги болаларни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш, жамиятга мослаштириш, оилалар билан ишлаш йўналишида болага нисбатан зўравонлик ҳавфини камайитириш, ота-оналарни қўллаб-қувватлаш қамраб олинган. Яъни ижтимоий ҳавф остидаги болалар бўйича ишлашда нафақат қатъий чоралар кўриш, балки ота-оналарнинг ижтимоий мураккаб вазиятларда қўллаб-қувватлаш орқали онларнинг фарзанд учун фаровон ва барқарорлигини таъминлаш ёндашувига таянилмоқда. Зеро, бугунги кунда фарзанди учун ҳавфсиз, жисмонан ва руҳан соғлом муҳит яратиш ота-онанинг бирламчи вазифаси эканини тушунириш, бу борада уларнинг билим ҳамда кўникмасини, муҳими, болани босим ва таъзиқдан холи усулларда

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ОЛИШГА ҲАҚЛИ



Гулбахор ПАРПИЕВА,
Мақтабгача ва мақтаб таълими
вазирлигининг Мақтабгача
таълим тизими фаолиятини
мувофиқлаштириш
департаменти бўлим бошлиғи

Боланинг асосий эҳтиёжлари тушунчасида таълим олиш алоҳида ўрин тутаяди. Чунончи, шахсининг шаклланиши, жамиятга муносиб ўрин топишини таълим тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Узоқ йиллар мақтабгача таълимни олмаётган болаларнинг кўпчилиги кўп қисмида мақтабгача таълим олишга ҳақли бўлади.

Одамларда боланинг асосий эҳтиёжлари деган тушунчанинг ўзи шаклланимаган, бунинг учун уларни мақтабгача таълимга беришмаслик оддий ҳолда қабул қилинган. Шу маънода, янги тахрирдаги Конституцияимизда мамлакатимизда инсон қадрининг ҳар нарсада устулчилигига бирламчи эътибор қаратилди. У ҳар кимга билим олиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, давлат узулқисиз таълим тизими, унинг турлари, шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаш, мақтабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди. Мақтабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида экани қонуни билан мустаҳкамланди.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг 3 миллиондан зиёдини 3-7 ёшлар болалар ташкил қилади. 2017 йилда боғчаларга қамров даражаси 30 фоиз ҳам бўлмагани ҳолда бугун рақам икки баробардан ортди. Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлди. Мақтабгача таълимга қамраб олишда аввал бўлмаган муқобил шакллари пайдо бўлди, янги аламулётлар қўлланила бошлади. Амалий ишлар натижасида ҳозирга келиб мақтабгача таълим ташкилотлари сони 38 мингтага етган бўлса-да, боғчаларга навбатлар узун. Шундан келиб чиқиб, мақтабгача таълим билан қамров даражаси 78 фоизга, 6 ёшли болаларни мақтабга таёрлов тизими билан қамраб олиш кўрсаткичи 96 фоизга етказилди. Бепул тайёрлов гуруҳларида мақтабга сифати тайёрлаш ишлари оlib борилади. Рақамларнинг йилдан йилга ошиб бориши эса МТТ тармоғини кенгайтиришга хизмат қилади. Янги турдаги МТТларнинг

таълим кириб келиши натижасида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари сони 8 баробар ошди. Тизим самардорлигини ошириш учун давлатимиз раҳбарининг 10 га яқин фармон ва қарори имзоланди. Таълимга энг кўп эътибор берилган 2025 йилда 100 дан ортқ давлат, 100 дан зиёд хусусий шериклик асосидаги янги МТТ ва 1200 га яқин оилавий боғча очилди. Бунинг натижаси ўлароқ, жойларда 100 мингта яқин бола ўрни яратилди. Қамровни ошириш мақсадида янги замонавий лойиҳалар асосида 38 та МТТ қуриб битказилди. 129 таси реконструкция қилиниб, 15 таси мукамал таъмирланди. Чекка ва олис, тоғли, МТТ қуриш имкони бўлмаган ҳудудларда 30 та янги автобус негизидаги 60 та мобил гуруҳ орқали боғча нималигини билмаган 3000 га яқин бола мақтабгача таълимга жалб этилди.

200 дан зиёд МТТда инклюзив таълим йўналиши ташкил этилиши ҳам бола ҳуқуқлари рўёбга чиқишига хизмат қилляпти. Зеро, аввал ногиронлиги бўлган, алоҳида эътиборга муҳтож болалар боғча нималигини билмаган. Аксинча, ота-оналар ҳам бундай фарзандлари соғлом болалар билан бирга бўлишини истамган. Бугун эса ота-оналарнинг ўзлари инклюзив таълимнинг моҳияти, бола ҳаётида нечоғлиқ аҳамиятга эга эканини тушуниб етляпти. Инклюзив гуруҳларга қамраб олинган болалар билан коррекция ривожлантирувчи ишлари олиб бораётган тарбиячи, ёрдамчи, психолог, дефектолог, логопедлар иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланди. Аслида, жуда катта маблағга айланган бу таъриба давлатимизнинг мақтабгача таълим қамровини ошириш йўлидаги энг эзгу ишлардан бири бўлди.

Аини пайтда 60 га яқин туман (шаҳар)да Илк ривожланиш марказлари ташкил этилди. Мақтабгача таълим хизматларидан фойдаланишининг ажойиб муқобили бўлган, давлат томонидан молиялаштирилган ва бошқариладиган бу шакл ўзининг оқлаётган таъриба сифатида республикамизнинг барча ҳудудларига татбиқ этиляпти. Чунончи, бу марказлар мақтабгача таълим билан қамраб олинмаган 3-6 ёшли болалар учун “ўйин гуруҳлари” ва алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар учун “махсус мақтабгача таълим хизмати” моделлари асосида иш юрляпти.

Болани унинг асосий эҳтиёжларидан бири бўлган мақтабгача таълим билан таъминлашмаслик бола ҳуқуқлари бузилишидир. Шу ҳолатга йўл қўйилмаслиги учун бугун маҳаллалар кесимида тизимли ишлар ташкил этиляпти. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари имтиёзли тарзда болалар боғчаларига қабул қилинапти.

Илк ривожланиш марказларида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам фарзандлари МТТга навбат келтувчи қадар интерактив усуллар билан тарбияляпти. Аҳоли кам, МТТ қуриш имкони бўлмаган ҳудудларга замонавий кўринишдаги кўча болаларининг ўзи етиб борапти.

Муҳтасар айтганда, қандай қилиб бўлмасин, ҳар бир боланинг мақтабгача таълимни олиш ҳуқуқини таъминлаш бугун ҳеч бир даврда бўлмаган босқичга кўтарилди.

Саҳифани
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МҶМИНОВА
тайёрлади.



Актам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон фермерлари
кенгаши раиси



Ислохотлар самараси

ДЕҲҚОН МАНФРАТИ ВА ИЛМ-ФАНГА АСОСЛАНГАН ПАХТАЧИЛИК

Бугунги кенг қўламли ислохотлар мамлакат иқтисодиётининг барча тармоғи қаторида кишлоқ хўжалигида ҳам мутлақо янги тараққиёт босқичини бошла берди. Айниқса, пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришлар нафақат аграр тармоқ, балки миллий иқтисодиётнинг стратегик келажagini белгилаб бераётган муҳим омилга айланмоқда.

Чунки пахтачилик бугун шунчаки хомашё етиштириладиган соҳа эмас. Аксинча, юқори қўшилган қиммат яратадиган, саноатни ривожлантирадиган, экспорт салоҳиятини оширадиган ва юз минглаб одамнинг бандлигини таъминлайдиган улкан иқтисодий тизимдир. Яқин ўтишда пахтачилик асосан режа ва мажбуриятга қурилган эди. Пахта етиштиришда асосий эътибор сифат ва самардорликка эмас, балки режани бажаришга қаратилган соҳанинг ривожланишини чеклаб қўйганди. Энг ачинарлиси, бу жараён кўп ҳолларда мажбурий меҳнат билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам кишлоқ хўжалиги юмушларига жалб қилинарди. Бу эса мамлакатнинг халқро имижига салбий таъсир кўрсатиб, ўзбек пахтасига нисбатан халқро бойкотлар жорий қилинишигача етгани мамлук-ку!

Нихот Президентимиз ташаббуси билан бу каби оғриқли муаммоларни бартараф этишда мутлақо янги ёндашув шакллантирилди. Пахтачилик соҳасида мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилди, кластер усули жорий этилди ва бозор иқтисодиёти механизмининг кенг йўлга қўйилди. Энг муҳими, деҳқон ва фермерликка давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди болади.

Сўнгги йиллардаги бундай янгиланишлар қисқа муддатда амалий натижасини кўрсатди. Илгари пахта ҳосилдорлиги нари борса,

гектаридан ўртача 15-25 центнер атрофида бўлган бўлса, бугун замонавий агротехнологиялар, илм-фан ютуқлари ва самарали бошқарув орқали ҳосилдорлик 85 центнергача етмоқда. Бу эса ерга, деҳқон меҳнатига муносабат мутлақо ўзгарганини, агротехник хизмат ва назорат тизими янги босқичга чиққанини аниқлатади.

Айниқса, пахта толасини мамлакатда чуқур қайта ишлаш тизими ислохотларнинг энг муҳим стратегик ютуқларидан бўлди. Тасаввур қилинг: агар 2016 йилгача етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи юртимизда қайта ишланган бўлса, бугун толанинг деярли 100 фоизи ички саноатда қайта ишланмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг хомашё экспорт қилувчи давлатдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланиб бораётганини кўрсатади.

Натижада республика бўйлаб 350 га яқин замонавий тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти сўнгги йилларда қарий 4 баробар ошиб, 3 миллиард долларга етди. Энг муҳими, бугун ўзбек брендидаги маҳсулотлар 80 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардорлиги тобора ортиб бораётганидан далолат.

Пахтачилик соҳасидаги ислохотлар халқро нуфуз нуктаи назаридан ҳам катта аҳамият касб этди. Халқро меҳнат ташкилоти ва “Cotton Campaign” коалицияси билан



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

тизимли ҳамкорлик, мажбурий меҳнатга қарши қатъий чоралар қўрилиши туфайли 2022 йил 10 март кунини ўзбек пахтасига қўйилган 12 йиллик бойкот бекор қилинди. Кейинчалик АҚШ Меҳнат вазири ҳам чекловларни олиб ташлади. Бу янги Ўзбекистоннинг халқро майдондаги муҳим сиёсий ва иқтисодий ғалабаларидан бири сифатида баҳоланади. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг самарали ўтказилишида Президентимиз раҳбарлигидаги видеоселектор йиғилишлари муҳим бошқарув механизмига айланди. Унда соҳадаги долзарб муаммолар таҳлил қилиниб, аниқ вазифа ва мuddатлар белгиламоқда. Энг муҳими, қабул қилинган қарорлар қисқа муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга айлантирилди, амалиётга жорий этилмоқда.

Хусусан, 2025-2026 йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида фермерларга кенг молиявий имтиёзлар берилди. 10 йилдан

ортиқ мuddатдан буён фаолият юритаётган, кредити ҳамда солиқ қардорлиги бўлмаган фермерларга пахта учун 8 фоизли, галла учун эса 10 фоизли имтиёзли кредитлар ажратиш тизими жорий этилди. Пахта учун олинган кредитларни ўз вақтида қайтарган фермерларга фоз тўловининг бир қисми давлат томонидан компенсация қилиб берилди.

Шунингдек, дизель ёнлиғиси ва минерал ўғитларни имтиёзли нархларда етказиб бериш тизими йўлга қўйилди. Субсидия ажратиш мuddати 1 ойдан 15 кунга қисқартирилди. 50 дан ортиқ турдаги кредит ва субсидияларини инсон омилсиз рақамли платформалар орқали олиш имконияти яратилди. Бу эса соҳада шаффофлик ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

2025 йилдан бошлаб пахтачиликда жорий этилаётган 76×10 экиш тизими эса соҳадаги муҳим инновацион янгиланган бири

“ Республика бўйлаб 350 га яқин замонавий тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти сўнгги йилларда қарий 4 баробар ошиб, 3 миллиард долларга етди.

бўлди. Хитойнинг Шинжон тажрибаси асосида йўлга қўйилган мазкур усул қаторлар геометриясини илмий асосда ташкил этиш имконини бермоқда. Қаторлар оралигининг 76 ва кўчатлар оралигининг 10 сантиметр этиб белгилашни натижасида қўёш нури, ҳаво ва намликнинг бир текис тақсимланиши таъминланади.

Бу эса фотосинтез жараёнини кучайтириб, ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Томчилаб сугорилиш технологиялари билан бирлаштирилганда эса сув сарфи кескин қисқариб, гидросамарадорлик икки баробар ортмоқда. Шу билан бирга, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар аниқ нуктага етказилиши ҳисобига ресурслар тежалмоқда.

Бугунги пахтачилик энди қўл меҳнати эмас, илм-фан ва юқори технологияларга асосланган бўлиши керак. “Илм ва изланиш бўлмаган соҳада тараққиёт бўлмайди” тамойили асосида Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси ташкил этилмоқда. Соҳадаги 22 та илмий марказ ва 260 та лаборатория фаолияти модернизация қилинмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда Хитой, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва Қозғистоннинг юқори ҳосилдор пахта навлари маҳаллийлаштирилмоқда. Маҳаллий ва хорижий селекция асосида қурғоқчиликка, шўрланишга, касалликларга чидамли янги авлод уруғлари яратилмоқда. Хорижий навлар экиладиган майдонлар ҳажмини 500 минг гектарга етказиш режалаштирилган.

Замонавий технологиялар соҳага киритиб келмоқда. Дронлар ёрдамида бир гектар ерга атиги 7 дақиқада кимёвий ва биологик ишлов бериш имконияти яратилди. Рақамли мониторинг тизимлари орқали дала ҳолати доимий назорат қилинмоқда.

Инсон капиталига инвестиция киритиш ҳам муҳим вазифага айланди. Тошкент давлат аграр университетининг 180 талабаси илгор кластерларда амалиёт ўтамоқда. Талабаларга 1,5 миллион сўм стипендия, уларга устозлик қилаётган фермерларга эса 5 миллион сўм маблағ ажратилмоқда. Ёш агрономларга 2000 долларгача маош тўлаш тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон фермерлари кенгаши томонидан юзлаб мутахассислар Хитой ва Туркияга тажриба алмашиш учун юборилмоқда. Мирзачўлда ташкил этилаётган инновацион кишлоқ хўжалиги мактабига эса 1000 нафар фермер замонавий пахтачилик технологиялари бўйича махсус тайёрликдан ўтказилади.

Қисқаси, пахтачилик соҳасидаги ислохотлар янги Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиёт моделига айланмоқда. “Хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида шакллантирилган замонавий агросаноат тизими иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.



Шавкатбек ИРГАШЕВ,
Тошкент шаҳри ҳокими
маслаҳатчиси

Бугун дунё шаҳарлари ўртасидаги рақобат фақат осмонўпар бинолар, кенг йўллар ёки саноат қўламини эмас. Энди шаҳарнинг ҳақиқий қиймати инсон учун қанчалик қулай, экологик жиҳатдан барқарор ва яшашга муносиб муҳит яратилгани билан баҳоланади. XXI асрнинг энг оғир муаммоларидан бирига айланган глобал иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва урбанизация босими ҳақида янги шаҳарсозлик фалсафасини шакллантирмоқда. Бу фалсафанинг марказида эса инсон саломатлиги ва табиат билан уйғун ҳаёти турибди.

Юртимизда ҳам айнан шу йўналишда улкан ислохотлар ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, шаҳар ва маҳаллаларни экологик жиҳатдан соғлом муҳитга айлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар янги тараққиёт моделининг амалий ифодасидир. Бу моделда иқтисодий ўсиш табиат ҳисобидан эмас, балки табиат билан ҳамроҳанг ривожланиш орқали таъминланиши кераклиги устувор тамойилга айланмоқда.

Айни шу нуктаи назардан қараганда, Тошкент маҳаллаларида аънанавий ариқ тизимларини қайта тиклаш ташаббуси шаҳар муҳитини қайта жонлантириш, инсон ва табиат ўртасидаги узилган боғлиқликни тиклаш, урбанизацияни миллий аънана ва замонавий муҳандислик билан уйғунлаштиришга қаратилган стратегик ёндашувдир.



ЭКИ “ЯШИЛ ТОШКЕНТ” САРИ БОШЛАНГАН ЭКОЛОГИК УЙҒОНИШ

Тошкент тарихи ариқлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бу шаҳар асрлар давомида сув билан нафас олган. Ариқлар маҳаллаларни боғлаган, ҳавони салқинлаштирган, даракларга ҳаёт бахш этган, инсонларга эса руҳий осийшталлик улашган. Ота-боболаримиз сувни фақат ресурс сифатида эмас, балки ҳаёт манбаи сифатида қадрлаган. Шунинг учун ҳам қадимий маҳаллалар қурилишида ариқ алоҳида ўрин тутган.

Бироқ вақт ўтиши билан урбанизация жараёни тезлашди. Кўплаб ариқлар кўмилди, айримлари ифлосланди, яна баъзилари эса бутунлай йўқолиб кетди. Табиий сув айланиши бузилди. Бетон ва асфальт ётқизилган майдонлар кенгайди. Бу эса шаҳар микроклимига жиддий таъсир кўрсатди.

Бугун Тошкентда кузатилаётган қатор экологик муаммолар — ҳаво ифлосланиши, ёздаги кучли иссиқлик, ҳаво намлигининг пасайиши, чанг миқдорининг ортиши айнан табиий муҳит билан инсон ўртасидаги мувозанат бузилгани оқибати. Шу маънода, ариқларни қайта тиклаш шаҳарнинг табиий нафасини қайта тиклаш демакдир.

Мирзо Улўғбек туманидаги Катта Қорасув маҳалласида ишлаб чиқилган синов лойиҳа бу борадаги энг муҳим амалий қадамлардан. 16 гектар худудни қамраб олган мазкур лойиҳа кўп қаватли уйлар, мактаб, поликлиника ва спорт мажмуалари жойлашган катта яшаш худуди учун мўлжалланган. Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати — аънанавий усулларни замонавий муҳандислик ечимлари билан уйғунлаштириш.

Бу ерда сув таъминоти бир нечта манба асосида ташкил этилмоқда. Ушбу манбаларга очқ сув ҳавзалари ва каналлардан сув чиқариш, ер ости сувларидан фойдаланиш учун махсус қудуқлари бургилаш, сувни ҳовузларда тўплаш ва босим асосида тақсимлаш, ишлатилган сувни қайта ер ости қатламлариغا йўналтириш орқали табиий айланишни тиклаш кабилар кирди.

Лойиҳа доирасида сувга чидамли ва ҳавони тозаловчи каталпа, чинор, қарағай, лаванда, барбарис каби даракт ҳамда бута кўчатларини экиш таклиф қилинмоқда. Бу ўсимликлар нафақат манзара учун, балки шаҳар экотизимини шакллантириш учун ҳам хизмат қилади. Улар ҳавони тозалайди, соя беради, тупроқни мустаҳкамлайди ва инсон психологиясига яхши таъсир кўрсатади.

Кўпчилик экологик лойиҳаларни табиат билан боғлиқ масала деб қабул қилади. Аслида, бу ижтимоий масаладир. Чунки ифлос ҳа-

лар, сув ютувчи қудуқлар ва чархпалаклардан фойдаланиш назарда тутилган. Энг муҳими, ушбу тизим энергия сарфини минималлаштириш асосида қурилмоқда. Яъни сув табиий оқим ва рельеф имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатланади. Натижа лойиҳанинг узоқ мuddатли иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Тошкент ёзда 40 даражадан юқори иссиқлик кузатиладиган шаҳарлардан. Бундай шароитда ҳавони табиий усулда совитиш масаласи стратегик аҳамиятга эга. Мутахассислар таъкидлаётганидек, очқ сув ҳавзалари ва ариқлар шаҳар микроклимининг шакллантиришда катта ўрин тутаяди. Сув буғланиши ҳисобига ҳаво намлиги меъёрлашади, ҳарорат пасаяди, чанг зарралари оғирлашиб, ерга тушади.

Синов лойиҳада келтирилган ҳисоб-китобларга кўра, ариқ тизими жорий этилган худудларда PM2.5 майда чанг зарралари 20-50 фоизгача камайиши, тупроқ юзасидаги ҳарорат 5-8 даражача пасайиши, ҳаво намлиги оптимал даражага кўтарилиши мумкин. Бу рақамлар қуруқ статистика эмас, балки инсон саломатлиги, нафас олиш сифати, юрак қон-томир касалликлари ҳавфи қамайиши, болалар ва кексалар учун қулай муҳит яратишини билдиради.

Бугун кўпчилик шаҳар иссиғини ҳаво совиткичлар орқали енгишга уринмоқда. Аммо бу вақтинчалик ва қиммат ечим. Табиатнинг ўзи яратган совитиш механизмининг тиклаш эса барқарор ва узоқ мuddатли йўл-дир.

Минглаб даракт экиш мумкин, аммо уларни сувсиз сақлаб қолиб бўлмайди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмоқда. Лекин кўчатларнинг қуриб қолиши билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири — мунтазам сугорилиш тизимининг етарли эмаслигида. Ана шу нуктаи назардан қараганда, ариқлар “Яшил макон” лойиҳасининг қон томирлари ҳисобланади.



Бунинг бир нечта муҳим жиҳати бор. Биринчидан, маҳаллалар салқин ва қулай муҳитга айланади. Иккинчидан, аҳолининг электр энергиясига харажати қисқаради. Ҳаво совиткичи ва шамол парракларига эҳтиёж камаёди. Учинчидан, маҳаллаларнинг эстетик кифофаси ўзгаради. Ифлос зовурлар ўрнида оқар сувли тоза муҳит пайдо бўлади. Тўртинчидан, бо-

ларлар учун хавфсиз ва жозибали муҳит шаклланади. Бешинчидан, маҳалла аҳолисининг табиатга муносабати ўзгаради.

Ҳар қандай яхши гоёни романтик тасаввурлар эмас, амалий механизмлар сақлаб қолади. Агар ариқ тизими мунтазам тозаланмаса, у яна ифлос зовурга айланиши мумкин. Сув манбаи барқарор бўлмаса, тизим қуриб қолади. Фойдаланиш учун масъул тизим шаклланмаса, лойиҳа фақат чиройли концепция бўлиб қолади.

Шунинг учун синов лойиҳасида рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Бу орқали ҳаво намлиги, ҳарорат, сув сарфи, ҳаводаги чанг миқдори онлайн кузатиб борилади. Яъни шаҳар табиатини бошқариш ҳам рақамли технологиялар асосида амалга оширилади.

Энг муҳими, мазкур тизим шаффофликни таъминлайди. Қаерда қандай натижа борлиги аниқ кўринади. Самара баҳоланади. Муаммо тез аниқланади. Баҳоламанайдиган жараён эса барқарор бошқарилмайд.

Мазкур лойиҳанинг аҳамияти фақат Тошкент билан чекланмайди. Марказий Осиё дав-

латларининг деярли барчаси иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва шаҳар иссиқлиги муаммоларида дуч келмоқда. Демак, Тошкентда синовдан ўтаётган бундай модель келажакда минтақа учун намунавий ечимга айланиши мумкин. Айниқса, сувни қайта айлантириш, табиий намликни сақлаш ва энергия тежамкорлиги асосланган муҳандислик ечимлари стратегик аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Бу тамойилни фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки ижтимоий ёрдамлар билан чеклаб бўлмайди. Инсон қадри у яшайдиган муҳитда ҳам намоён бўлади. Агар инсон ифлос ҳаводан нафас олса, ёзда қаттиқ иссиқдан азият чекаса, қуруқ муҳитда яшаса, ҳаёт сифати ҳақида гапирishi қийин.

Гап шундаки, ариқ тизимини қайта тиклаш инсон қадрининг экологик жиҳатдан таъминланиши амалий кўринишидир. Мазкур ташаббус одамларга фақат сув эмас, балки саломатлик, салқинлик, иқтисодий тежамкорлик, эстетик муҳит ва руҳий хотиржамлик ҳам тақдим этади.

Тошкентнинг келажаги фақат бетон ва шишадан иборат бўлмаслиги керак. Бу шаҳар яна сув шовиллаган, чинорлар соя ташланади, маҳаллалари нафас оладиган маконга айланиши лозим. Чунки замонавий шаҳар табиатини йўқ қилган эмас, аксинча, табиат билан яшашни ўрганган шаҳардир. Маҳаллаларда ариқ тизимини қайта тиклаш лойиҳаси ана шу янги фалсафанинг амалий намунаси бўлиши мумкин.

Агар бу тажриба ичиқил ва профессионал асосда амалга оширилса, Тошкентнинг экологик қиёфасини ўзгартириш баробарида бутун мамлакат шаҳарсозлиги учун янги стандартни шакллантиришга хизмат қилади. Чунки ариқ шунчаки сув йўли эмас, у шаҳарнинг нафаси, маҳалланинг руҳи, инсон ва табиат ўртасидаги узилган риштани қайта боғлайдиган ҳаёт томирини.

Ишни режали ташкил этиш масаласи инсоният тараққиётида доимо марказий ўринда турган. Айниқса, Шарк мутафаккирлари ва буюк аждодларимиз ўз фаолиятида вақтни самарали бошқаришга катта аҳамият берган. Уларнинг мероси бугунги замонавий менежмент назариялари билан уйғун келади ва амалий аҳамиятга эга. Масалан, Абу Наср Форобий ўз асарларида жамият ва шахс фаолиятида тартиб-интизом, мақсад ва режанинг ўрнини чуқур таҳлил қилган. Мутафаккирнинг фикрича, ҳар қандай муваффақиятли фаолият аниқ белгиланган мақсад ва унга эришиш босқичларини режалаштириш орқали амалга оширилади. У “Фозил жамият” ғоясида ҳар бир инсон ўз вазифасини режа асосида бажариши орқали умумий тараққиётга ҳисса қўшишини таъкидлайди.



ЛОЙИХАВИЙ БОШҚАРУВ — НАТИЖАГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМ

Абу Райҳон Берунийнинг илмий тадқиқотлари режали иш юритишнинг ёрқин намунаси. У ўз изланишларида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳўлоса чиқариш жараёнларини қатъий тизим асосида амалга оширган. Улуғ алломанинг илмий услуби замонавий лойиҳавий бошқарувдаги “режалаштириш — амалга ошириш — назорат” циклининг тарихий илдизи ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темури “Темури тузуқлари” асарига ҳар қандай ишни олдиндан пухта режалаштириш, вазифаларни аниқ тақсимлаш ва ижронини назорат қилиш тамойилларини тилга олиб, ўз муваффақиятлари айнан стратегик режалаштириш ва интизомли бошқарув натижаси эканини таъкидлайди.

Жамиятимизда ҳам сўнгги йилларда лойиҳавий бошқарув — project management алоҳида мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиб бормоқда. Бу тадқиқотлар лойиҳавий бошқарувни фақат техник ёки менежмент воситаси сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатлар, институтлар ва инсон ҳулқ-атвори билан боғлиқ мураккаб жараён сифатида ўрганади.

Ижтимоий нуқтан назардан қараганда, жамиятда “режали тафаккур” маданиятини шакллантирган буюк аждодлар таърибаси ҳам, бугунги лойиҳавий бошқарув ҳам инсонларда маъсуллик, интизом ва натижага йўналтирилганлик каби сифатларни тарбиялашга хизмат қилади. Ушбу қадриятлар эса иқтисодий самардорлик ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилдир.

Маънавий-маърифий фаолият кўп йиллар давомида, асосан, умумий оммавий тадбирлар орқали амалга оширилиб келинди. Тарғибот-ташвиқотга умумий ёндашиш, доимий аудиториялар билан ишлаш, ташкилий ишларда формал характерга таянишди. Сценарийлар бир хил эди, тадбирлар, энг асосийси, сарфланган вақт, куч ҳамда маблағ самардорлиги ўрганилмасди. Хўш, бундай ҳўлатда маънавий-маърифий соҳада қандай қилиб ислоҳот қилиш мумкин. Аслида, жамият онига таъсир қилишда манзилли, аниқ мақсадли, илмий асосланган ёндашув зарур.

Лойиҳавий бошқарув айнан шу жиҳатдан муҳим. У мақсадли аудиторияларни аниқ белгилайди, ресурсларни самарали тақсимлайди, натижаларни ўлчаш имконини беради. Шунингдек, социологик тадқиқотларга таянади, қисқа ва узок муддатли стратегияларни уйғунлаштиради. Бу эса маънавий-маърифий ишларни “натижага қаратилган тизим”га айлантиради.

Республика Маънавият ва маърифат марказида замонавий бошқарув фақат соҳавий жамиятнинг жорий этиши, хусусан, лойиҳавий бошқарув тизимига босқичма-босқич ўтиш бугунги гло-

баллашув шaroитида муҳим омил ҳисобланади. Ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш, уларни лойиҳавий фикрлаш, стратегик режалаштириш ва натижага йўналтирилган бошқарув кўникмалари билан таъминлаш асосий режа сифатида белгиланган. Zero, ижтимоий таҳлиллар кўрсатадики, ташкилотларда инновацион бошқарув моделларини жорий этиш, аввало, инсон капитали сифатида боғлиқ. Агар кадрлар янги ёндашувларни қабул қилишга ва амалда қўллашга тайёр бўлмаса, ислохотлар кутилган натижани бермайди.

Шу мақсадда 2025 йилнинг январь ойида марказ ходимлари учун халқаро PMP, Project management principles — лойиҳавий бошқарув тамойиллари асосида лойиҳавий бошқарув асослари, лойиҳа цикллари, KPI тизими ва мониторинг-баҳолаш механизмларини қамраб олган махсус ўқув курслари ташкил этилди. Унда назарий билимлар амалий кейслар ва тренинглор орқали мустаҳкамланди. Шунингдек, марказ ходимларида илгор ёндашувлар ва амалий инструментлар билан танишиш имкони юзага келди. Бу эса институционал ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилиши учун ниҳоятда муҳимдир.

Инновацион бошқарув ёндашувларини жорий этиш нафақат ташкилот самардорлигини

таъкидланганидек, эндиликда бир марталик сўровлар эмас, балки қарерда ишонч ортабтгани, қарерда занфлашгани, қайси қарерлар адолатли, қайсилар одамларга манфаат келтирмаётгани бўйича доимий равишда мониторинг ва таҳлиллар ўтказилиши ҳар бир соҳа, жумладан, маънавий-маърифий ислохотлар самардорлигини ҳам белгилайди.

Бугунги кунда ижтимоий кайфият, ёшлар онги, ахборот таъсири, қадриятлар трансформациясини чуқур ўрганмасдан туриб, самарали маънавий сиёсат юритиб бўлмайди. Шу маънода, социология фақат таҳлил воситаси эмас, балки стратегик қарерларнинг илмий пойдевори ҳамдир. Масалан, қайси ҳудудда қандай маънавий муаммолар бор? Қайси ёш гуруҳи қандай ахборот манбаларига ишонади? Ушбу саволларга жавоб бермасдан туриб, қабул қилинган дастурлар самара келтирмайди. Лойиҳавий бошқарув эса айнан шу маълумотларга асосан манзилли дастурлар, локал ташаббуслар, мақсадли коммуникация стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида инсон капитали ва маънавий муҳитни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу эса маънавий-маърифий соҳа олдида ҳам формал тадбирлардан воз кечиш, жамият билан мулоқотни кучайтириш каби талабларни қўяди.

Маърифатпарвар аждодларимиз Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитратнинг жадидиклик анъанаси тарих эмас, балки бугунги кун учун ҳам долзарб методологиядир. Шу маънода, маънавий-маърифий соҳада ҳам самардорликка эришиш учун урта асосий мезонга амал қилиш зарур. Биринчиси, илмий асос, яъни социологик таҳлил. Иккинчиси, лойиҳавий ёндашувни олдиндан режалаштириш ва самарали бошқарув, учинчиси, сиёсий ирода ва ижро интизими.

Социологик тадқиқотлар ва халқаро таъриблар олдида қатъий мақсад қўйган янги Ўзбекистон шароитида айнан шу уч мезон уйғунлиги жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашда муҳим ҳисоблангани прогнозини беради. Агар биз маънавий ишларни фақат тарғибот эмас, балки аниқ мақсадли, ўлчанадиган, натижага қаратилган жараёнга айлантира олак, бу нафақат ислохотлар муваффақиятини, балки миллат келажagini ҳам қамолатлайди. Лойиҳавий бошқарув эса бу йўлдаги энг муҳим интеллектуал ва амалий воситадир.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ҳудудларда, вазирлик ва идораларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларда айрим тизимли муаммолар — тарғибот тадбирларини ташкил этишда расмиётчилик кайфияти ва манзилсизлик, вилоят ва туман даражасида кўп ҳолларда

мажбурий характерга эгаллигини сақлаб қол-япти. Сабаби, ёшлар орасида электрон контент китобдан устун, китоб танлаш маданияти шаклланимаган, айрим ҳудудларда китоб фонди ва инфратузилма етарли эмас. Мутолаа натижасини баҳолаш механизми йўқ. Энг ачинарлиси, китобхонлик кўп ҳолларда тарғибот даражасида қолиб кетаётгани унинг ҳаётий эҳтиёжга айланишига тўсик бўлаётган.

Бу соҳада ҳам муаммолар илдизи лойиҳавий ёндашувнинг етишмаслигидадир. Шу ўринда Тошкент метрополитенида марказ томонидан 2025 йилда амалга оширилган ва ҳозирги кунда такомиллаштирилаётган “Турон китоб бекати” лойиҳаси ҳақида тўхталишни жонз деб биламиз.

Метрополитен бу — юқори ҳаракатчанликка эга бўлган ижтимоий макон. Статистик маълумотларга кўра, 2025 йил ҳўлатига Тошкент метрополитенидаги 50 та бекат 70 километрдан ортиқ масофани ўз ичига олган. Ўтган йили кунига 1 миллионга яқин йўловчига хизмат кўрсатилган. Ҳар бир йўловчи кунига ўртача 1-1,5 соат, ҳафтага 7 соат вақтини вагонда ўтказди. Агар китоб жавонларидан йўловчиларнинг атиги 1 фоизи фойдаланса, бир йилда китобхон йўловчилар сони 2,73 миллионга етади.

Ана шундай муҳитда китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган “Турон китоб бекати” лойиҳаси аҳолининг кундалик ҳаётига маданий истеъмолнинг янги шаклини киритди. Социологик жиҳатдан бу “бўш вақтни мазмунли ўтказиш” амалиётини институционаллаштиришга хизмат қилапти.

Ушбу лойиҳа жамоат жойларини фақат транспорт инфратузилмаси сифатида эмас, балки маънавий-маърифий макон сифатида қайта талкин қилиш имконини беради. Бу эса уй ва ишдан ташқари инсон ўзини ривожлантириши мумкин бўлган шаҳар маданиятини — “учинчи макон” концепциясини шакллантиришга туртки бўлмоқда. Очиқ ва инклюзив муҳит яратилапти.

Китоб бекатлари аҳоли ўртасида ижтимоий капиталини оширишга хизмат қилади. Китоб айланиши, тавсия этиш ёки жамоавий ўқиш амалиётлари орқали одамлар ўртасида ишонч ва мулоқот кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда маданий интеграцияни мустаҳкамлайди.

Ёшлар сиёсати нуқтан назаридан қараганда, “Турон китоб бекати” лойиҳаси ёш авлоднинг ахборот хурожатидан ҳимоя қилиш, феик маълумотларга эмас, уларни чуқур таҳлилга асосланган билим манбаларига йўналтиришда самарали восита бўлиши мумкин. Айниқса, рақамли контент устунлик қилаётган бир даврда анъанавий китобхонликни жамоат макониде рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Агар ҳар бир маънавий-маърифий ташаббус аниқ мақсад, белгиланган аудитория, ўлчанадиган натижа, таҳлил ва мониторинг асосида амалга оширилса, бу муаммоларнинг ақсарияти бартафари этилиши мумкин. Яъни ҳар бир ҳудуд, ҳар бир аудитория учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади, қарорлар реал маълумотлар ва таҳлилларга таянади, ҳар бир тадбирнинг натижаси KPI орқали ўлчанади.

Бугунги глобал маконда гўялар учун кураш кўчаймоқда. Ахборот урушлари, маданий таъсирлар, рақамли ташвиқот шaroитида ёшлар онги учун рақобат ортмоқда. Миллий идентинлик масаласи долзарб бўлмоқда, маънавий иммунитетни кучайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу эса маънавий-маърифий ишларни оддий тарғиботдан стратегик фаолиятга айлантиришни талаб қилади.

Бугун биздан муаммоларни очик айтиш, илмий ечимлар тақлиф қилиш, жамият фикрини шакллантириш талаб этилмоқда. Ҳўна амалий натижага олиб чиқиш учун эса лойиҳавий фикрлаш зарур. “Танқиддан тараққиётга” тамойили бугунги муаммоларни тан олишни заифлик эмас, балки ривожланишнинг биринчи босқичи деб қарашимизни тақозо этади.

Лойиҳавий бошқарув фақат бошқарув усули эмас. У янгиликлар, янги маданият, энг муҳими, бугунги ислохотлар дaврининг талаби бўлиши натижа сари ишлаш фалсафасидир.

**Суҳроб ХИДИРОВ,
Зиёда АКБАРҚУЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари**

ЖАМИЯТНИНГ ЭРТАНГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Таҳлил

Бугун мактабгача таълим тизимига оид ислохотлар, хусусан, замонавий бошқарувга ўтиш жараёни жадал тус олмоқда. Янги стандартлар, инновацион ёндашувлар, малака ошириш тизими ва бошқарув курслари ягона мақсад — таълим сифатини янада оширишга қаратилган. Бола тарбияси ва шахс камолотига мустаҳкам пойдевор айнан боғча даврида қўйилади. Шу маънода, мактабгача таълим соҳасига қаратилаётган эътибор фақат соҳавий ислохот эмас, жамият келажagini белгилайдиган стратегик йўналиш ҳамдир. Бу эса ташкилий янгиликлар билан бирга фикрлаш тарзи, қарашлар ва бошқарув маданиятини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.

Замонавий педагогикада таълимни келажак эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш асосий масалалардан. Эски ёндашувлар билан ишлаш келажак авлоднинг ҳар томонлама шакллантириш учун етарли эмас. Шу боис, методларни янгилаш ва фикрлаш маданиятини ўзгартириш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим ташкилотлари директорлари ва номзодлари учун бир ойлик интенсив менежмент курслари йўлга қўйилди. Бу курслар раҳбарларга замонавий бошқарув, стратегик режалаштириш, инсон ресурсларини бошқариш ва инновацион фикрлаш бўйича билим беришга қаратилган. Энг муҳим жиҳат — тингловчилардан ўз ташкилоти мисолида инновацион, замон руҳини таъмирлаш мисолида таъбирлаш талаб этилади. Бу ёндашув назарияни амалиётга яқинлаштиради. Бироқ фаолият шунинг кўрсат-

моқдаки, барча лойиҳа ҳам реал ҳаётга тўлиқ таътиб этилмайпти. Лойиҳа мавзуд, мазмун ҳам етарли, лекин уни амалда жорий этиш ҳар доим ҳам кўнгилдагидек эмас. Курслар, сертификатлар ва тест синовлари йўналиши ишлаб турган бўлса-да, асосий масала — маъсуллик ва натижага йўналтирилган муносабат ҳали тўлиқ шаклланимаган. Айрим тингловчиларда назарий билим кучли бўлса-да, бошқарув кўникмалари заифроқ. Бошқарувида эса амалиёт бор, лекин замонавий менежмент билими чекланган. Бу ҳўлат тизимнинг айрим бўгинларига “формал ёндашув” ҳануз сақланиб қолаётганини билдиради. Шу ўринда табиий савол туғилади: муаммо билим етишмаслигини ёки назария билан амалиёт ўртасидаги узилдиҳами? Кўп ҳўлатларда лойиҳа ишлари иждоий ташаббус эмас, балки расмий вазифа сифатида тушунилади.

Натижада уларнинг барчаси ҳам ҳақиқий ўзгаришларга айланмавермайди.

2025 йилда Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида 1185 тингловчи менежерлик ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, сертификат олган. Шу даврда директорлар орасидан 1505 тингловчи қабул қилиниб, уларнинг 810 нафари менежмент сертификати эга бўлган, 695 нафари 70 балдан паст натижа кўрсатган. Номзодлар тоифасида эса 838 тингловчидан 407 нафари курсни муваффақиятли якунлаган. 2026 йилда эса 1500 директор ва 1000 номзодни қамраб олиш режалаштирилган.

Таҳлилларга кўра, айрим раҳбарларда амалий топшириқларга устувор аҳамият берилиб, модуллари ўқиш ва тест синовларига таъйёрликка нисбатан иккинчи даражали ёндашув сақланиб қолмоқда. Ҳўлбуки, якуний баҳолаш тизимида тест ва кейс топшириқлари 60 балл билан асосий ўлушни ташкил этади. Амалий топшириқ эса 40 балл асосида баҳоланади. Натижада айрим тингловчилар асосий эътибори ва вақтини лойиҳа ишларига қаратаётгани тест натижаларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Аслида, замонавий раҳбардан фақат амалий таъриб эмас, балки кучли назарий таъйёрлик ҳам талаб этилади. Айниқса, тез янгилаётган ахборотлашган жамиятда раҳбарнинг ўз устида мунтазам ишлаш, назарий ва амалий билимларини мунтазам такомиллаштириб бориши жуда муҳим.



Лойиҳа ҳужжат эмас, балки бошқарув маданиятининг амалий кўринишидир. У “нима қилиш керак”дан кўра “қандай ўзгариш қилиш мумкин” деган саволга жавобдир. Шу жиҳатдан менежмент курслари янги сифат босқичи бўлиши кутилган эди. Бироқ амалдаги натижаларга қаралганда, тингловчиларнинг мўйайн қисми тест синовларида юқори натижа кўрсата олмаётгани кузатилади. Бу ҳўлатни фақат салбий кўрсаткич эмас, балки тизимдаги заиф нуқталарни очиб беришни муҳим сигнал сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади. Шу ўринда айрим тингловчилар орасида “тестлардан кўзланган мақсад ходимларни баҳолаш-

дан кўра уларни саралашга қаратилган” деган қарашлар ҳам учрамоқда. Албатта, бундай ёндашув жараён моҳиятининг ноўғурлиги талқин этилаётганини англатади, бироқ масала фақат баҳолаш тизимига муносабат доирасида қолиб кетмайди. Унинг замирида таъйёрлик даражаси, мустақил ишлаш кўникмаси ва замонавий бошқарув талабларига мослашиш каби омиллар ҳам муҳим ўрин тутади.

Дунё таърибасида, жумладан, Японияда раҳбарлар тайёрлаш тизимида менторлик муҳим ўрин тутади. Янги директор таърибали раҳбар билан бирга ишлаш орқали бошқарув жараёнларини бевосита амалиётга ўрганади.

Шу тариқа раҳбарлик кўникмалари реал фаолият жараёнида шаклланиб, таъриб орқали мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда ишлар изчил давом эттирилмоқда. Малака ошириш курслари, инновацион лойиҳалар ва турли дастурлар кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, айрим раҳбарлар ўз лойиҳасини амалиётга таътиб этиб, гуруҳ ишлари ва болалар ривожига сезиларли ўзгаришларга эришмоқда. Бу иждоий тенденция мавжудлигини тасдиқлайди. Бироқ айрим йўналишларда ишларни янада такомиллаштириш зарур. Лойиҳа ишларини амалиёт билан узвий боғлаш, баҳолашда тест натижалари билан бир қаторда реал самардорликка таяниш ҳамда раҳбарлар учун узлуқсиз амалий ривожланиш муҳитини яратиш бугуннинг муҳим йўналишларидан. Раҳбарлик тушунчаси анча кенгайди. Уни фақат лавозим доирасида талкин қилиш тор ёндашувдир.

Тизимни такомиллаштириш учун асосий жиҳатлар — лойиҳаларни боғча ҳаёти билан узвий боғлаш, баҳолашда аниқ самарага таяниш ва раҳбарлар учун амалий кузатув йўналишини кенгайтиришдир. Бугунги вазифа ислохотларнинг мазмуни ва амалий аҳамиятини кучайтириш, уларни ҳаётга чуқур таътиб этишдан иборат. Чунки мактабгача таълим тизимидagi сифат ўзгаришлари таълим муассасаси фаолияти билан бир қаторда жамиятнинг эртанги интеллектуал ва маънавий қиёфасига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

**Ҳабиб Абдиев,
Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори**



Мулоҳаза

МАЪРИФАТ БИЛАН ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ

Бугунги мураккаб ахборот асрида динни нотўғри талқин этиш, муқаддас тушунчаларни гаразли мақсадларга хизмат қилдириш ҳолатлари турли минтақаларда учраётгани бор гап. Айрим радикал кучлар ижтимоий тармоқлар орқали жамиятда кўркүв, мурасасизлик ва адоват кайфиятини шакллантиришга уринаётган бир пайтда мамлакатимизда дин соҳасида мутлақо бошқача — маърифат, баргиренглик ва инсон қадрига асосланган йўл танланган.

Музаффархон ЖОНИЕВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори



Анъанага айланиб бораётгани бежиз эмас. Чунки халқ дарди билан яшайдиган, инсон манфаатини барча ислохотлар марказига қўядиган жамиятдагина меҳр-оқибат, бирдамлик ва шукроналик муҳити мустақкам бўлади. Муқаддас сафарга юборилган ушбу юртдошларимиз нафақат ўз орзуларини рўёбга чиқардилар, балки халқимиз қалбида эзгулик, дуо ва миннатдорлик туйғуларини янада кучай-



шароитлар асосида муборак зиёратни адо этмоқда.

2026 йилги ҳаж мавсуми ҳам ана шу эзгу ислохотларнинг амалий давоми бўлди. Бу йил Ўзбекистон учун 15 мингта ҳаж квотаси ажратилган. Бу рақам ортида минглаб оилалар шодлиги, нуруний отахон-онахонларнинг кўз ёшига қоринган дуолари, халқимиз қалбидаги шукроналик муҳассам.

Айниқса, 2026 йилда фидойи, эл-юрт қорига яраган ватандошларимизнинг 100 нафари “Президент ҳожиси” сифатида муборак сафарга юборилгани халқимизга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу ташаббуснинг маъноси жуда чуқур. Бу улугъ муҳаддис Имом Термизий бобимиз зерию улаётган ҳадисда: “Одамларнинг энг яхшиси — одамларга энг кўп нафбат етказадигандир”, деб марҳамат қилинган. Жамият раванкига ҳисса қўшган инсонларни қадрлаш, эҳтиром кўрсатиш ва эзгуликни улуғлаш шу юксак инсоний қадриятларнинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, нурунийлар ва халқ хизматида фидойилик кўрсатган инсонларга эҳтиром кўрсатиш эзгу

тирдилар. Бу эса халқ билан давлат ўртасидаги меҳр ва ишонч ришталари тобора мустақкамланиб бораётганининг яна бир бор яққол кўрсатади.

Диний-маърифий ислохотларнинг яна бир улкан рамизи Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказидир. Бу марказ халқимизнинг минг йиллик илмий-маънавий меросини дунёга танитиш, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Баҳодидил Нақшбанд каби алломалар меросини замонавий асосда тарғиб этишга хизмат қилади. Президентимиз 2025 йил октябрь ойида ушбу марказдаги экспозициялар орқали халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этиш ишлари билан танишган эди. Бу марказ нафақат музей ёки илмий маскан, балки янги Ўзбекистоннинг маърифатга асосланган тараққиёт фалсафасини ифода этувчи улкан говий макондир.

Самарқанддаги янги ташкил Имом Бухорий мажмуаси ҳам бугун юртимизда маърифат ва зиёрат маданияти янги босқичга кўтарилаётганини яққол намойиш этмоқда. 2026 йил март ойида қурилиши якунланган мажмуа ҳузурда замонавий туризм маркази ишга туширилиб,

унга туташ ҳудудларда меҳмонхоналар, сервис инфратузилмалари ва зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди. Бу эса муқаддас қадимжоларга эътибор фақат маънавий эҳтиром эмас, балки миллий тараққиётнинг муҳим йўналишига айланаётганини кўрсатади.

Бу каби бунёдкорлик ишлари бир ҳақиқатни англатади: Ўзбекистонда диний меросга муносабат фақат ўтмишни эслаш билан чекланмайди. Аксинча, уни замонавий тараққиёт, туризм, таълим, халқаро мулоқот ва маънавий хавфсизлик билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари каби илм масканлари халқимизнинг бой маънавий меросини дунёга танитаётган муҳим маконларга айланмоқда.

Бу жараёнлар давлатимиз раҳбарининг: “Тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараққиёт ва адоват бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!” деган фикрлари билан ҳамроҳандир. Чунки тарихий хотира ва маънавий меросга таъинган жамиятгина турли ёт гоълар ва мафқурларни таҳдидларга қарши мустақкам имунитет ҳосил қила олади.

Бугун айрим ташқи ахборот майдонларида диний тушунчаларни бузиб талқин қилиш, мусулмонларни бир-бирига қарши қўйиш, маънавий адоват ва тақдирчилик кайфиятини кучайтиришга қаратилган чиқишлар кузатишмоқда. Ана шундай шароитда Ўзбекистон танлаган йўл мўътадиллик, ҳанафий-мотуридий анъанаси, илм ва одобга таяниш йўлидир. Чунки ҳақиқий ислом инсонни кўркүвга эмас тафаккурга, адоватга эмас меҳр-оқибатга, жаҳолатга эмас маърифатга чорлайди. Аждодлар меросини тиклаш ва уни замонавий тараққиёт билан боғлашга қаратилган ислохотлар эса айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги диний-маърифий ислохотларнинг туб моҳияти ҳам шунда. Бугун юртимизда масжидлар, зиёратгоҳлар, илмий марказлар, диний таълим муассасалари фаолияти учун муносиб шароитлар яратилмоқда. Аждодларимиз асарлари нашр этилмоқда, халқаро конференциялар ўтказилмоқда, ёш тадқиқотчилар учун янги имкониятлар очилмоқда. Бу жараёнлар халқимизнинг маънавий имунитетини мустақкамлаш, ёшларни турли ёт гоълардан асраш ва жамиятда соғлом диний муҳитни таъминлашга йўл очаетири.

Шу маънода, 2026 йилдаги ҳаж мавсуми, “Президент ҳожилари” ташаббуси, Ислам цивилизацияси маркази қурилиши ва Имом Бухорий мажмуасининг янгича қиёфаси бир-бирдан алоҳида воқеалар эмас. Улар ягона маънавий жараённинг — янги Ўзбекистонда инсон қадри, эътиқод эркинлиги, аждодлар мероси ва маърифатли жамият гоъси уйғунлашаётганидан далолатдир.

Бугун биз ўтмишга назар ташласак, чекловлар, таъқиблар ва армонлар даврини кўраемиз. Бугунги кунга назар ташласак, очкилик, имконият ва шукроналик даврини кўраемиз. Эртанги кунга назар ташласак, аждодлар меросини жаҳон миқёсида танита оладиган, маърифат билан тараққиёт этадиган, динни тинчлик ва инсонпарварлик манбаи сифатида англайдиган авлодни кўраемиз.

Шундай экан, бугунги ислохотларнинг қадрига этиш, мазмунини халқимизга тўғри етказиш, ёшларни буюк алломалар мероси асосида тарбиялаш ҳар биримиз учун муҳим вазифадир. Зеро, шукр фақат тилда айтилган сўз эмас, балки яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, илмга интилиш, жамиятга наф келтириш ва ватан раванкига ҳисса қўшишдир.



Таваккал Қодиров таваллудининг 100 йиллиги

ХАЛҚ БЕРГАН УНВОН: ЎЗБЕКИСТОН БУЎБУЛИ

Ўзбек миллий мақом санъати кўп асрлик тарихга эга. Унда халқнинг маънавий дунёси, урф-одатлари ва қадриятлари муҳассам. Сўнгги йилларда миллий санъатимизни ривожлантириш, санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ва бой маданий меросимизни ёш авлодга етказиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Маданиятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ижоди ҳам миллий санъатимиз хазинасидан муносиб ўрин олган ана шундай бебаҳо меросдир.



— Таваккал Қодиров номи ва ижоди халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллаган, — дейди маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов. — Унинг юздан ортқ қўшиқлари миллий санъатимизнинг олтин фондиди беэба турлибди. Санъаткор таваллудининг 100 йиллиги ЮНЕСКО томонидан 2026-2027 йилларда нишонланган халқаро юбилейлар рўйхатига расман киритилди. Ташкилот Бош конференциясининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида ушбу қарорнинг қабул қилингани Таваккал Қодиров ижодининг халқаро миқёсдаги нуфузини яна бир бор намойиш этади.

Шунингдек, Таваккал Қодировнинг саҳна маданияти ҳам юқори баҳоланади. У саҳнада ўзини эркин тутиши, тингловчилар билан самимий мулоқот қилиши ва миллий анъаналарга мос кийиниш услуби билан ажралиб турган. Бу эса ёш санъаткорлар учун ҳам муҳим намунадир.

Ўзбек қўшиқчилиқ санъатининг ёрқин юлдузи, бетақрор овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров серқирра ижоди, ўзига хос ижро услуби ва ўлмас қўшиқлари билан ўзбек маданияти

университетда профессор лавозимида фаолият юритган. Санъаткор қўллаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилган. Ўзбек мусиқа санъатини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам муносиб намойиш этган. Форс, ҳинд, арман, озарбайжон, уйғур ва араб тилларида қўшиқлар ижро этиб, санъатнинг миллат танламас қадратини намойиш этган.

— Устозимиз лирик тенор овоз соҳиби эди. Унинг овози бетақрор, ширали, жарангдор ва тиниқлиги, ниҳоятда кенг ва юқори диапазон билан ажралиб турарди, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизини Илҳомжон Иброҳимов. — Таваккал аканинг ижро услуби баланд авжларни кенг ишлатиши, раванглик, кенг нафас ва ҳар бир сўзни дон-дона қилиб айтиши билан тавсифланади. Устоз ижодининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у анъанавий ҳофизлик санъатини замонавий ижро маданияти билан уйғунлаштира олди. Шу боис, қўшиқларини нафақат катта авлод, балки ёшлар ҳам севиб тинглайди. Биз каби Таваккал аканинг этагини тутган ўнлаб, юзлаб шоғирларни устоз анъаналарига содиқ қўлиб кам бўлмадик.

Дарҳақиқат, Фарғона-Тошкент мусиқа услубида куйланган “Кўкюн ушшоғи”, “Тошкент ироғи”, “Тановар”, “Насруллоҳий”, “Хоразм йўлида айтилган “Сувора”, “Феруз”, “Сегоҳ”, замонавий бастакорлар ҳамда хонанданинг ўзи яратган “Тўйлар муборак”, “Фарғона тонг отгунча”, “Догман”, “Ушхайди-ку”, “Шунчамиди” ва бошқа кўплаб қўшиқларини тинглаганимизда руҳимиз энгил тортади, қалбимиз юксакларга парвоз қилади.

Улугъ санъаткор 1996 йил 13 апрелда Фарғона шаҳрида вафот этди. Унинг номи ва ўлмас қўшиқлари халқимиз қалбида яшаб келмоқда. Таваккал Қодиров хотирасини абадийлаштириш мақсадида Фарғона шаҳридаги санъат коллежи



тарихида ўчмас из қолдирган улугъ санъаткор.


Санъаткор 1926 йил 24 апрелда Қува туманида дунёга келган. Ёшлигиданоқ санъатга меҳр қўйган. Устоз ҳофизлардан сабоқ олиб, ўз устида тинимсиз ишлаган. Натيجида ўзбек мумтоз қўшиқчилиқ санъатининг энг ёрқин вақилларидан бирига айланган. Санъаткорнинг профессионал таълими Фарғона мусиқа билим юртида бўлиб, у муттасил шугулланиш орқали Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов каби улугъ устозлардан ўзбек мумтоз ва замонавий ашуларини ўрганган.

Таваккал Қодировнинг фаолияти ҳам бевосита санъат билан боғлиқ бўлган. Қува тумани маданият уйида бадий ҳунар, Фарғона театрида, вилоятлараро филармонияда якхона хонанда, Фарғона давлат

ҳамда кўчалардан бирига номи берилган. 2021 йилда давлатимиз раҳбарининг фармони билан Таваккал Қодиров бир гуруҳ марҳум санъаткорлар қаторида “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Ҳаётда қанча умр кўриш эмас, қандай из қолдириш муҳим. Баъзи инсонлар ўз меҳнати, истеъдоди ва халқига муҳаббати билан асрларга татигулик мерос қолдиради. Таваккал Қодиров ана шундай санъаткорлардан эди. У халқ орасида бежиз “Ўзбекистон буЎбули” дея эътироф этилмаган. Бугун устоз ҳофизнинг ўлмас қўшиқлари янграётган экан, овози хали узок йиллар қалбларга илиқлик, маънавият ва эзгулик улашишда давом этади.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бунарни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
30761 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Өдсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 23:15 Топширилди — 23:40